

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**FARG'ONA VILOYATI**  
**BESHARIQ TUMANI**  
**HOKIMINING**  
**QARORI**



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**FARG'ONA VILOYATI**  
**BESHARIQ TUMANI**  
**HOKIMINING**  
**QARORI**

«29» 07 2020 yil

№ 736

Beshariq shahri

Бешариқ тумани Қўрғонча МФЙ Рапқон қишлоғи (Рапқон Телов файзи ММТП) худудидан “Рахимов Қахрамон Имомалиевич” номли боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалигига “Енгил типдаги иссиқхона” қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.2018 йилдаги “Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва кўшимча даромад олишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 25-сонли, 25.02.2019 йилдаги “Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва саклаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларни қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисида”ги 167-сонли қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида, Бешариқ тумани Қўрғонча МФЙ Рапқон қишлоғи (Рапқон Телов файзи ММТП) худудидан “Рахимов Қахрамон Имомалиевич” номли боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиги рахбари У.Рахимовнинг 26.10.2019 йилдаги аризасига, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6,25-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,23-моддаларига туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиясининг далолатномасини ва тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқиб амалдаги ер тўғрисидаги қонунларга асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Бешариқ тумани Қўрғонча МФЙ Рапқон қишлоғи (Рапқон Телов файзи ММТП) худудидан “Рахимов Қахрамон Имомалиевич” номли боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиги рахбари У.Рахимовнинг “Енгил типдаги иссиқхона” қурилиши учун туман ҳокими номига ёзган 26.10.2019 йилдаги аризаси қаноатлантирилсин.

2. Бешариқ тумани Қўрғонча МФЙ Рапқон қишлоғи (Рапқон Телов файзи ММТП) худудидан “Рахимов Қахрамон Имомалиевич” номли боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиги “Енгил типдаги иссиқхона” қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш бериш тўғрисидаги туман доимий комиссиясининг 10.12.2019 йилдаги далолатномаси тасдиқлансин.

3. “Рахимов Қахрамон Имомалиевич” боғдорчиликчилик йўналишидаги фермер хўжалигига узоқ муддатли ижарада фойдаланиш учун ажратиш берилган Рапқон Телов файзи ММТП ер харитасининг 527-контур қисмидаги


0,1 гектар боғзор атамасидаги ер майдони “Енгил типдаги иссиқхона” қуриш учун танлаб ажратилсин.

4. Маъмурий ишчилар дам олиш хоналари, ёрдамчи бинолар қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик Кодексининг 27,39,54-моддаларига асосан вилоят архитектураси ва қурилиш бош бошқармасидан архитектура ва режалаштириш топшириғи олиш, лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ҳамда ушбу объект қурилиш ишларини қонун хужжатларида белгиланган муддатда битказиб ва фойдаланишга топширилсин, акс холда ушбу қарор ўз кучини йўқотиши “Рахимов Қахрамон Имомалиевич” фермер хўжалиги рахбари (У.Рахимов)га эслатиб ўтилсин

5. Ушбу қарорни тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Абдурахмонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Р.Жўраев

Туман ҳокимининг ўринбосари:

А.Абдурахмонов

Туман ҳокимлиги  
ҳуқуқшунос маслаҳатчиси:

А.Кабиров

Туман архитектура ва  
қурилиш бўлими бошлиғи:

Ш.Турсуматов

Туман Ер ресурслари ва давлат  
кадастри бўлими бошлиғи:

Б.Насирдинов

Туман ҳокимлиги девонхона мудири:

С.Солиев